

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**61 «Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан махфий ахборотни муҳофаза этишни ташкил этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2079-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 августдаги ПФ-4561-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 36-сон, 477-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2009 йил 24 декабрдаги 2009-52-сон «Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан махфий ахборотни муҳофаза этишни ташкил этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғининг (рўйхат рақами 2079, 2010 йил 19 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 6-7-сон, 60-модда) муқаддимасидаги «Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бош директор**

**Б. АТАХАНОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 22 январь,  
2014-01-сон

**Келишилган:**

*«Ўзархив» агентлиги  
Бош директори*

**А. АБДУЛЛАЕВ**

*2014 йил 22 январь*

*Алоқа, ахборотлаштириш ва  
телекоммуникация технологиялари  
давлат қўмитаси раиси*

**Х. МИРЗАХИДОВ**

*2014 йил 22 январь*

*Хусусийлаштириш, монополиядан  
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш  
давлат қўмитаси раиси*

**А. АБДУҲАКИМОВ**

*2014 йил 22 январь*